

**“Навоийуран” ДКда 2024 йилнинг 3-чораги  
давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга  
оширилган ишлар тўғрисида  
ҲИСОБОТ**

“Навоийуран” ДКда 2024 йилнинг 3-чораги давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифалар доирасида тегишли тадбирлар амалга оширилди.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича “Навоийуран” ДКда қуйидаги ички меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган.

Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати;

Комплаенс хизмати бошлиғининг лавозим Йуриқномаси;

Хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш Услубиёти;

Манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги Низом;

Алоқа каналлари орқали коррупциявий ҳатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти;

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича Йуриқнома;

Контрагентларни текширишга оид Йўриқнома;

Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Услубиёти;

Коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низом;

Ходимларнинг коррупциявий ҳатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича Регламент;

Одоб-ахлоқ Кодекси;

Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисида;

Совгалар бериш ва олиш, бизнес-тадбирларни ташкил этиш ва иштирок этиш, корхона харажатларини амалга ошириш бўйича Сиёсати;

Корхонада хайрия ва ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш Сиёсати;

Тузилаётган шартномаларни келишиш, имзолаш ва ижро этиш Сиёсати;

Комплаенс хизмати фаолияти тўғрисидаги Низом.

Ушбу идоравий ҳужжатлар белгиланган тартибда корхонанинг расмий веб сайтыга жойлаштирилган.

“Навоийуран” ДКда коррупцияга қарши курашиш бўйича тайёрланган “Дастур”га мувофиқ “Корхонанинг коррупцияга қарши сиёсати”, “Одоб-

ахлоқ кодекси”, “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом“ ва “Навоийуран” ДКда “Совғалар бериш ва олиш, бизнес-тадбирларни ташкил этиш ва иштирок этиш, корхона харажатларини амалга ошириш бўйича Сиёсати” талаблари асосида тушунтириш-профилактик тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Шунингдек, коррупция ҳолатлари аниқланган тақдирда корхонанинг комплаенс хизматига телеграм бот орқали мурожаат қилиш имконияти ҳақида тушунтириш берилган видеоролик тайёрланди.

“Навоийуран” ДК телеграм каналида коррупцияга қарши курашиш ва ушбу йўналишдаги ички меъёрий ҳужжатлар жойлаштирилиб, тизимда коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишлар доимий ёритиб борилмоқда. Жумладан, ҳисобот даврида корхона томонидан расмий веб-сайт, фейсбук, инстаграм ва телеграм каналлари орқали 3 та соҳага оид профилактика кўринишидаги материаллар жойлаштирилган.

Корхонада аниқланган коррупция ҳолатлари ҳақида хабар бериш учун ишонч телефони, веб сайт, электрон почта, телеграм бот ишга туширилган. Мазкур алоқа каналлари орқали коррупцион ҳолат бўйича мурожаат юбориш ва алоқа маълумотларини олиш имконияти яратилган бўлиб, ҳар бир юборилган мурожаат рўйхатга олиниши ҳамда мурожаатчини хабардор қилиб туриш имконияти мавжуд.